Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 4 (965) ● 2014-yil, 31-yanvar, juma

Фаолиятга янгича ёндашувлар зарур

➢ Муносабат

Куни-кеча Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган хулосалар, партия ҳамда Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида турган долзарб вазифалар, ислоҳотлар жараёнида партия аъзолари фаоллигини ошириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Қўшма йиғилиш конструктив танқид ва баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари таъкидлаганларидек, республикамизда сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтиришга оид ҳуқуқий база тобора мустаҳкамланмоқда. Партиялар ўзларининг дастурий вазифаларини самарали амалга ошириш учун сифат жиҳатидан янги имкониятларга эга бўлдилар, фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги, депутатлик гуруҳларининг эса ҳокимият вакиллик органларидаги ваколатлари кенгайди.

2 ➢

➢ Болалар спорти

Наманганлик ака-укалар Шоҳназар ва Шоҳжаҳон Назаралиевлар қўл жанги билан шуғулланади. Болаликдан спортга меҳр қўйган Шоҳжаҳон тўрт карра Наманган вилояти чемпиони, Шоҳназар эса Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган.

Наманган шаҳридаги 32-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таҳсил олаётган бу ёш спортчилар қўл жангини пухта ўрганиб, жисмоний, руҳий, техник-тактик маҳоратини ошириб боришида тажрибали мураббийларнинг кўмаги катта бўлмоқда.

Замонавий шароитга эга ушбу спорт мактабида бугунги кунда 500 нафардан ортиқ бола қўл жангидан ташқари футбол, кураш ва волейбол бўйича маҳорат машғулотларида мунтазам қатнашади.

Суратда: ёш спортчи Шоҳжаҳон Назаралиев.

Ф Ҳ.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)

Қонун лойиҳалари фракция муҳокамасида

➢ Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

2 ➢

«Баркамол авлод»дан — жаҳон чемпионатларига

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов сўзлаган нутқ Наманган вилояти жамоатчилиги ўртасида ҳам қизғин кутиб олинди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг ўтган йилларда эришилган ютуқлар, бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг аҳамияти ва натижалари хусусида билдирган фикрлари ҳаммага маъқул тушди. Юртбошимиз бу йилги "Баркамол авлод" мусобақалари Наманганда ўтказилишини ҳам таъкидлади.

Мазкур спорт беллашувлари "Умид ниҳоллари", "Универсиада" қатори эндиликда йигит-қизлар учун ўзига хос маҳорат мактабига айланиб қолди. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан тортиб олий ўқув юртлари талабаларигача иштирок этадиган мусобақаларда тажриба орттирган вакилларимиз Осиё ва Жаҳон чемпионатларида, кўплаб халқаро турнирларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Масалан, вилоят спортчилари 2013 йилда республика ва халқаро мусобақаларда 316 та олтин, 339 та кумуш, 423 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Совриндорлар орасида икки нафар жаҳон, икки нафар қитъа чемпионлари, қирқ нафар халқаро турнирларнинг ғолиблари бор. Хусусан, Одил Ҳамробеков (футбол), Ғайбулла Қўчқоров (бокс), Ҳумоюн Абдумаликов (теннис), Руфина Нигматулина (сув полоси) каби маҳоратли спортчилар эришган натижалар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Уларнинг барчаси ўз вақтида "Баркамол авлод" мусобақалари мактабида ҳам сабоқ олганлар. "Соғлом бола йили"да бундай муваффақиятлар янада кўпайиши аниқ.

2 ➢

Инновация — иқтисодий тараққиётга таянч

➢ Илмий-амалий семинар

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан «Инновациялар ва инновацион фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур анжуманда партия фракцияси ва Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, тегишли вазирлик, идоралар масъул ходимлари, олимлар ва экспертлар, партия фаоллари иштирок этишди.

3 ➢

Ҳакимжон АБРАЛОВ: «Соат милларидек доимо, юрагингиз урсин бехато»

➢ Таҳририят меҳмони

Юртимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бебаҳо бойлигимиз бўлган эл соғлиғини муҳофаза қилиш, асраб-авайлашга хизмат қилмоқда. Жойларда яратилаётган шароит ва қулайликлар боис аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Дунё талабларига жавоб берадиган янгидан-янги тиббиёт иншоотлари ишга туширилмоқда. Улардан бири академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуасидир. Мазкур марказнинг бўлим бошлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар кардиохирургияси бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати Ҳакимжон Абралов билан кардиохирургиянинг долзарб масалалари, бугунги ютуқлари ва истиқболи ҳақида суҳбатлашдик.



8 ➢

Фаол, фидойи, жонкуяр

➢ "Адолат"нинг адолатли аёллари

"Фарғона ҳақиқати" газетасининг шу йил 3 январдаги сонининг биринчи саҳифасида "Элни эъзозлаганни — эл эъзозлайди" рукни остида эълон қилинган мақола эътиборимни тортди. Ўқиб кўрсам, унда партиядошимиз Моҳирахон Сиддиқова ҳақида ҳикоя қилинган экан. Айни пайтда у "Олчин" маҳалла фуқаролар йиғинида диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Жамоатчилик ишларида ҳам фаол, Ўзбекистон "Адолат" СДП Бағдод туман кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси.

4 ➢

ADOLAT
№ 4 (965) 2014-yil
31-yanvar, juma

Фаолиятга янгича ёндашувлар зарур

Давоми. Боши 1-бетда

— Бугун биз Президентимизнинг "Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир" мавзуидаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосаларни, бу борада партиямиз ва фракциямиз олдида жорий йилда турган долзарб вазифаларни атрофлича муҳокама қилдик ва белгилаб олдик. Тан олишимиз керак, Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг парламентдаги фракциясининг мавжуд имконият ва ваколатлардан фойдаланиш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига таклиф киритиш, жойларда қонунлар ижросини назорат қилиш, парламентда қонунчилик ташаббусларини илгари суриши, партиянинг дастурий вазифалари ва сайловолди платформасини тарғиб этиш, электорат манфаатини парламент ва маҳаллий вакиллик органларида ҳимоя қилишдаги иштироки етарли эмас, — деди партия Сиёсий Кенгаши раиси Н. Умаров. — Партиямиз электорат ва сайловчилар манфаатини етарли даражада ҳимоя қила олмаяпти, шу боис мазкур муаммони муҳокама қилиб ҳудудий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, қўйи бўғинлар ишини жиддий қайта кўриб чиқиш борасида аниқ қарорга келдик ва бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди.

Шунингдек, қўшма йиғилиш иштирокчилари тарғибот тадбирларининг кўпроқ партиянинг сайловолди дастуридаги энергетика тежамкорлиги ва муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга йўналтириш билан чекланиб қолаётганлигини танқид қилдилар. Жумладан, партиянинг сайловолди дастуридаги бошқа устувор йўналишлардаги мақсадлар — "электрон ҳукумат" механизмини шакллантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи қонунчиликни янада ривожлантириш, уй-жой комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш каби йўналишлар эътибордан четда қолган. Маҳаллий дастурлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, таълим муассасаларини таъмомлаган ёш мутахассисларга ғамхўрлик қилиш, тиббий ёрдам сифатини янада ошириш каби вазифалар юкланганига қарамай, бу борада халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг назорат функциясидан фойдаланишдаги ташаббускорлик суст бўлди.

Шу нуқтаи назардан, тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий вазифаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ўртага ташлаш, давлат ва жамият қурилишининг муҳим масалалари бўйича ўз позициясининг усул ва услубларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Қўшма йиғилиш иштирокчилари таъкидлашганидек, партияларо соғлом рақобатни кучайтириш ҳам устувор вазифалар сирасига киради. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари С. Турсунов қайд этганидек, фаолиятимиз моҳияти асли жиддий кураш, изланиш, кучли рақобатдан иборат. Бу жараён тўғри ташкил этилса, миллий тараққиётга эришишнинг турли йўл ва усуллари хусусида соғлом баҳс-мунозара олиб борилса, энг тўғри ва самарали ечимларни топиш, халқ манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилиш имконияти янада кенгаяди. Кейинги пайтларда миллий парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштириш учун қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва партия фракцияларининг роли оширилди. Яъни, фракциялар, депутатлик гуруҳларининг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш шартлиги белгилаб қўйилди. Бу, шубҳасиз, депутатлар ва фракцияларнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини оширди. Аммо ана шундай имкониятларга қарамай, парламентимиз фаолиятида бир қатор камчиликлар мавжудлигидан кўз юммаслигимиз керак.

— Тан олиш керак, бизнинг партиямиз ва унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик асосини таъминлаш борасида берилган ваколат ва яратилган имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланаётгани йўқ, — деди Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов. — Хусусан, жойларда қонунлар ижросини назорат қилиш, парламентда қонунчилик ташаббусларини илгари суриши, партиянинг дастурий вазифалари ва сайловолди платформасини тарғиб этиш, электорат манфаатини парламентда ифодалаш ва ҳимоя қилишдаги иштирокини етарли, дея олмаймиз. Ижро ҳокимияти органлари вакилларининг партия электорати манфаатларига дахлдор масалалар бўйича ахборотини эшитиш юзасидан фракция томонидан 2013 йилда бирорта ташаббус кўрсатилмади.

Бугунги йиғилишимизда мамлакатимиз раҳбарининг "2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади" номли маърузаларида кўтарилган масалаларни ҳам таҳлил қилиб, парламент назоратини йўлга қўйиш ҳам партиямиз ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

Шунингдек, 2014 йилда "Соғлом бола йили" мазмунмоҳиятидан келиб чиқиб, партия ва унинг парламентдаги фракцияси ўз саъй-ҳаракатларини мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш, болалар парвариши бўйича давлат томонидан ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитларида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка қаратилган қарор ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларнинг қабул қилинишига эришиш, ижтимоий харажатлар устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, ушбу тизимда очиқлик ва ошкораликни таъминлашга қаратилган қонун ижодкорлигини кучайтириш, ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес-тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришдаги иштирокини янада кучайтиришга устувор аҳамият беришга келишиб олинди.

Билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, йиғилишда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий вазифалари ижро механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамият қурилишининг муҳим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама этилди, партиянинг барча даражадаги тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари бўйича аниқ қарорлар қабул қилинди.

Суюндик МАМИРОВ,
«Adolat» мухбири

Қонун лойиҳалари фракция муҳокамасида

Давоми. Боши 1-бетда

Депутатлар дастлаб Тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, мустақилликнинг илк кунларидан тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлашга эътибор қаратилгани давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашувини чекламоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳам тадбиркорлик субъектлари учун кўпроқ эркинлик бериш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун соҳадаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришга қаратилган. Унга мувофиқ бир қатор қонун ҳужжатларига, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал кодекслари, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонунларнинг тегишли моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Пировардида ушбу қонун лойиҳаси орқали тадбиркорлик субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни янада мустаҳкамлашга, шунингдек, ишларнинг судда янада сифатли ва ортиқча сансалорликсиз кўриб чиқилишига эришиш мақсад қилинган.

Адолатлилик ғояси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш "Адолат" партиясидан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналиши эканлигидан келиб чиқиб, фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасида келтирилган нормалар фуқаролар, хусусан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидладилар. Қизғин муҳокамалар жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДП сайловолди платформаси ва дастурий ғояларидан келиб чиқиб депутатлар томонидан қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид қатор таклифлар билдирилди ва концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан маърузага чиққан Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Раъно Гаимова биринчи ўқишда ҳавола этилаётган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинди ва у барча мажбуриятлар ҳамда шартномалар бўйича агентликнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан таклиф этилаётган қонун лойиҳасига кўра «Алоқа тўғрисида»ги ва «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ҳаво кодексига ўзгартишлар киритилмоқда. Яъни ушбу қонун ҳужжатларидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси» тарзида ўзгартирилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамиздаги мавжуд 540 та нотариал идораларда 738 нафар нотариуслар фаолият кўрсатмоқда. 2011-2012 йилларда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида 244 нафар нотариус ўз малакасини оширган. Шу билан бирга, мазкур даврда 86 нафар нотариус қонунчилик нормаларини нотўғри қўллаганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилган.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонунлар ва кодекслар қоидаларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтириш имконини беради.

Депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан таклиф-тавсияларини билдирган ҳолда уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватладилар.

Мажлисда шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Мавжуд қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлардаги айрим тафовутлар мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш заруратини юзага келтирган эди. Қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг 2-бандини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши билан прокуратура органлари ва муассасалари ходимларига даражали унвонлар бериш, уларни рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалалари тартибга солинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари ходимларининг даражали махсус унвонлари тўғрисидаги низомни ва Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идораси ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорини ўз кучини йўқотган, деб топиш таклиф этилмоқда.

"Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасида нотариус лавозимига кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириш ва нотариат соҳасини малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида судьялик лавозимида камида беш йил ёки нотариат соҳасида раҳбарликни амалга оширувчи ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировка муддатини бир йилга ҳамда нотариуслар томонидан беш йилда мажбурий малака ошириш даврийлигини уч йилга қисқартириш назарда тутилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамиздаги мавжуд 540 та нотариал идораларда 738 нафар нотариуслар фаолият кўрсатмоқда. 2011-2012 йилларда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида 244 нафар нотариус ўз малакасини оширган. Шу билан бирга, мазкур даврда 86 нафар нотариус қонунчилик нормаларини нотўғри қўллаганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилган. Киритилиши кутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бундай ҳолатлар такрорланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси ҳам мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, соҳани малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш, пировардида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш, қонунийлик ва адолатлилик тамойилларини қарор топтиришга хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда уни маъқулладилар.

Йиғилиш сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

"Баркамол авлод"дан — жаҳон чемпионатларига

Давоми. Боши 1-бетда

— Мен ўтган йили Россия Федерацияси ва Германияда енгил атлетика марафони бўйича халқаро мусобақаларда қатнашиб келдим, — дейди спорт фахрийси, Наманган давлат университети ўқитувчиси Людмила Музаффарова. — Иштирокчилар орасида дунёнинг турли мамлакатлари вакиллари бор эди. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашмай, мендан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга берилаётган эътибор, вужудга келтирилган спорт баҳсларининг уч босқичли тизими ҳақида қизиқиб сўрашди. Албатта, ўз билганларимни айтиб бердим. Кўпчилик давлат раҳбари томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга шу қадар катта аҳамият берилаётганлигига қойил қолишди.

Фахрий бу сафарги "Баркамол авлод" мусобақаларининг Наманган шаҳрида ўтказилишидан ҳамма мамнун эканлигини ҳам изҳор этди. Чунки мана шундай беллашувлар спортни янада оммалаштиришга кўмаклашади. Боз устига мамлакатимиз шуҳратини халқаро майдонларда янада ошира оладиган истеъдодлар аниқланади ва улар мураббийлар кўмагида "Тезроқ, баландроқ, кучлироқ!" шиори остида тайёргарлик кўриб, янги, янада юксак марраларни эгаллайдилар.

Дарҳақиқат, айни пайтда Намангандаги қайси бир йирик спорт иншоотини олманг, ҳамма ерда "Баркамол авлод — 2014"га пухта ҳозирлик кўрилаётганлигига гувоҳ бўласиз. Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросими ўтказиладиган "Навбаҳор" стадионини олайлик. Бу ерда мукаммал қайта қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда. Тез орада у янада кўркам, замонавий қиёфа касб этиши аниқ. Мусобақаларни томоша қилиш учун йигирма икки минг томошабинга қулай шарт-шароит яратилади. Футбол майдони қишин-ёзин ям-яшил турадиган майса билан қопланади. Спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар ҳам унутилмаган. Кийиниш-ечиниш ва ювиниш, беллашувларга тайёрланиш хоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Янги видео-табло ва бошқа илғор ахборот-коммуникация технологиялари эса стадионга янада замонавий тус беради.

Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компаниясидан мухбиримизга маълум қилишларича, "Баркамол авлод" мусобақалари ўтадиган бошқа спорт иншоотларида ҳам кенг миқёсда таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда. Жами 25 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шу ҳисобига "Дўстлик" теннис корти, "Паҳлавон" ва "Баркамол авлод" мажмуалари, бошқа қатор ўқув юртларининг иншоотлари ҳам бутунлай янгича қиёфа касб этади. Мусобақа қатнашчилари учун қулай дам олиш шароитлари яратиш тўғрисида ҳам алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Қатор замонавий меҳмонхоналар ва олий ўқув юртларининг мукаммал таъмирдан чиқарилган ётоқхоналари улар ихтиёрига бериб қўйилади.

Қисқаси, тез орада гуллар шаҳри ҳисобланмиш Наманган мамлакат миқёсидаги йирик мусобақалардан бирига мезбонлик қилишга тайёр бўлади. Бу ерда ҳукм сурадиган дўстона рақобат руҳи "Баркамол авлод"нинг рекордларини янгилаш, бу билан эса халқаро миқёсларда юқори натижаларга эришишга ҳам замин яратиши турган гап.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Adolat» мухбири

Инновация — иқтисодий тараққиётга таянч

Давоми. Боши 1-бетда

Анжуман давомида миллий инновация тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, инновация илмий-техника фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари, жаҳон хўжалиги глобаллашуви шароитида мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишида инновацион стратегияни шакллантириш, инновациянинг ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги, қишлоқ хўжалигида инновация фаолияти, унинг ҳолати ва истиқболлари, олий таълимда фан, таълим ва ишлаб чиқариш инновацион ҳамкорлигини шакллантириш каби долзарб масалалар чуқур таҳлил этилиб, йиғилганларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Миллий ва халқаро тажрибадан маълумки, иқтисодиёт ва жамиятнинг тараққиёт даражаси кўп жиҳатдан инновацион фаолиятга боғлиқ. Зеро, иқтисодиётдаги самарадорлик ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар ва ихтиролларнинг жорий этилиши эвазига ошади. Шу боис, бугунги кунда инновациялар мамлакат иқтисодиётининг муҳим қисмига айланган.

— Бугун фан ва технологиялар шиддат билан ривож топаётган бир замонда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида инновацияларнинг нечоғли муҳим ўрин тутаётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди фракция аъзоси Абдукамол Раҳмонов. — Илғор илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда саноат ва ишлаб чиқариш соҳасида қўлланилиши иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Мамлакатда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни ижтимоий-иқтисодий ҳаётга кенг жорий этиш масалалари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурий вазифаларидан биридир. Партиямиз бошқа сиёсий рақобатчиларидан фарқли ўлароқ, ўз фаолият дастурида миллий инновация тизимини шакллантиришни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. Биз жамият ҳаётининг қайси бир соҳаси бўлмасин, у иқтисодиётми, саноат, қишлоқ хўжалиги бўладими, таълим ёки соғлиқни сақлаш, умуман олганда, барча тармоқларнинг ривожини инновациясиз тасаввур этиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.

Инновацион технологияларнинг жорий этилиши халқ хўжалигининг модернизациялашувига, қишлоқ хўжалигини ривожланишига, таълим, соғлиқни сақлаш тизими фаолияти самарадорлигининг ошишига ҳисса қўшади. Шу нуқтаи назардан, республикамизда истиқлол йилларида фан тараққиётини таъминлашга ва инновацияларни ривожлантиришга йўналтирилган муҳим қарорлар қабул қилинди. Бугунги кунда соҳани тартибга солувчи махсус қонун қабул қилишга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

«Интеллектуал мулк асри» дея эътироф этилаётган XXI асрда мамлакатимизнинг инновацион ривожланишини таъминлаш ва иқтисодиётни модернизация қилишда фаннинг ролини кучайтириш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида тараққий топмоқда. Натижада республикамизда 2003-2006 йиллар давомида 7 мингга яқин илмий-техникавий ютуқлар рўйхатга олинган бўлса, кейинги беш йил ичида ушбу кўрсаткич 10 мингдан зиёдни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори инновацион тизимнинг шаклланишида муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. Мазкур қарорга асосан ишлаб чиқаришни ўрта ва қисқа муддатларда инновацион ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Инновация соҳасида эришилаётган ютуқлар мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ривожлантиришга, жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан ҳам эътирофга молик дир. Мамлакатимиз жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин эгаллагани мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Семинарда Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" ва ундан келиб чиқадиган вазифалар нуқтаи назаридан тайёрланган "Инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳасини хорижий ва миллий тажриба асосида такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг ўринбосари Одилхўжа Парпиев ушбу қонун лойиҳаси асосий тамойилларини таҳлил этиб берган бўлса, мазкур қўмита қошидаги «Илмий-техника ахбороти» ДУК директори ўринбосари Насибахон Мухитдинова республикамизда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг индикаторларига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Қайд этилишича, ўтган 2013 йилда мамлакатимиз корхоналарида умумий қиймати 300 млрд. сўм маблағлар инновацияларни жорий этишга йўналтирилиб, уларнинг асосий қисми, яъни 68 фоизи корхоналарнинг хусусий маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Қолаверса, миллий иқтисодиётимизга жалб этилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳам катта қисми ишлаб чиқаришга, замонавий технологияларни жорий этишга йўналтирилмоқда. Бироқ бугунги кунда инновацияларни катта маблағлар эвазига хориждан олиш эмас, балки ўзимиздаги мавжуд илмий салоҳиятдан фойдаланиш, ихтирочилар ва олимларни керакли даражада рағбатлантириш, илмий ишланмалар ва рационализаторлик таклифларни амалиётга татбиқ этиш механизмларини йўлга қўйиш каби масалалар ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, анжуманда инновация фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, бу борадаги халқаро тажриба, инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш масалаларида олимларнинг маърузалари тингланди.

— Партиямиз фракцияси аъзолари масаланинг ниҳоятда муҳимлигини инобатга олган ҳолда, шунингдек, сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб «Инновациялар ва инновация фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тезроқ қабул қилиш лозим, деб ҳисоблайди, — деди фракция аъзоси Тўлқин Абдусатторов. — Қонун лойиҳаси, шубҳасиз, миллий инновацион тизимни ташкил этишнинг молиявий, ташкилий-техник ҳамда юридик қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришни тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган.

Айни вақтда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилаётган мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси, ҳудудий партия ташкилотлари, партия фаоллари ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

➢ **"Жамият ва мен — 2013"**

Пойтахтимиздаги "Дедеман" меҳмонхонаси анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари журналистлари, шунингдек, журналистика йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун эълон қилинган "Жамият ва мен — 2013" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ғолиблар тақдирланди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини рағбатлантириш, соҳа вакилларининг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мазкур танловда "Юксак маънавият — жамият пойдевори", "Таълим тизими ислоҳотлари журналист нигоҳида", "Соғлом ёшлар — келажак пойдевори", "Фермерлик — имконият ва истиқболлар", "ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти", "Соғлом она — соғлом бола" каби жами 10 та йўналиш бўйича номинациялар эълон қилинган эди. Танловда 100 дан зиёд оммавий ахборот воситалари ходимлари 2000 дан зиёд материаллари билан иштирок этишди.

Тадбир доирасида ташкилотчилар ташаббуси билан "Давлат томонидан оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳотлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олий ўқув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари сўз олиб, сўнгги йилларда бошқа соҳа вакиллари қаторида оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, таҳририятларни зарур моддий-техник база билан таъминлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётгани, шу билан бирга фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни шакллантириш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни жорий этишга барча зарур шарт-шароит, ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди.

Хусусан, ўтган 2013 йил давомида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, таҳририятларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш мақсадида 30 га яқин танловлар ўтказилгани қайд этилди. Шунингдек, журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, уларнинг ихтисослашувига кўмаклашиш мақсадида қатор семинар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Тадбир сўнггида танлов ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Феруза НУРМАТ қизи,
ЎзМУ талабаси

Таҳририятдан: мазкур танловда газетамизнинг ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими мудири Саодат Содиқова "Юксак маънавият — жамият пойдевори" йўналиши бўйича ғолиб деб топилди. Ҳамкасбимизни чин дилдан қутлаймиз!

АҚШда йирик тўғон ва гидроэнергетика объектлари қурилишини қўллаб-қувватлашни тақиқловчи қонун қабул қилинди

Халқаро экология ташкилотлари, шунингдек, техноген хавфлар бўйича мутахассис ва экспертларнинг узоқ саъй-ҳаракатлари натижасида 2014 йилнинг январида АҚШ Конгресси ва Сенати муҳим қонунчилик нормаларини жорий этишни кўзда тутадиган қонунни қабул қилди ва Президент Барак Обама уни имзолади.

Мазкур қонунга мувофиқ, Халқаро молия институтлари директорлар кенгашларидаги АҚШ вакиллари энди йирик тўғонлар ва гидроэнергетика объектлари қурилиши лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун қарз олиш ёки ушбу лойиҳалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳужжатни маъқуллашга қарши чиқишга мажбур.

Бугунги кунда АҚШ асосий халқаро молия институтлари, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Осиё тараққиёт банки, Осиё ривожланиш жамғармаси ва бошқа молия институтларининг йирик акциядори ва донори ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ўзи акциядор бўлган барча халқаро молия институтларида тўғонлар ва йирик гидроэнергетика объектлари қурилишига қаратилган ҳар қандай лойиҳани молиялаштириш ва маъқуллаш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлашни қонуний тақиқлади.

АҚШ қонунчилик ва ижро ҳокимиятларининг ушбу қарори ҳар томонлама асослидир. Чунки сўнгги йилларда эколог-мутахассислар, техноген хавфлар бўйича экспертлар, муҳандис ва ҳуқуқшунослар томонидан ўтказилган тадқиқотлар, мазкур муаммонинг халқаро даражада бир неча бор муҳокама этилиши баланд тўғонлар қуриш оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар, хавф ва таҳдидлар билан боғлиқ масалага ойдинлик киритди. Зеро, бу билан боғлиқ масалалар айниқса тоғли шароитларда янада мураккаб тус олиб, кўплаб соҳаларда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши ва тузатиб бўлмас даражада зарар етказиши мумкин.

Шу боис экология ташкилотлари ташаббуси билан қабул қилинган ва АҚШнинг барча ҳокимият тармоқлари томонидан қўллаб-қувватланган мазкур нормалар кенг кўламли экологик, техноген ва ижтимоий-иқтисодий фалокатларга сабаб бўладиган йирик гидроэнергетика объектларини қуриш лойиҳаларини амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслигига аниқ ва тўғри ишорадир.

Марказий Осиё минтақасида йирик тўғон ва гидроэнергетика объектларини барпо этишга йўл қўймаслик ғоят долзарб масаладир. Чунки сўнгги йилларда минтақанинг асосий трансчегаравий дарёлари — Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқларида ҳали собиқ тузум даврида қурилиши режалаштирилган йирик гидроэлектр станциялар, жумладан, Роғун ГЭСи ва 1-Қамбарота ГЭСини қуриш лойиҳаларини қайта тиклашга қатъий уринишлар бўлмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг асосий хавфли томони шундаки, электр энергияси тақчиллиги ва янги қувватларни ташкил этиш муаммосини ушбу лойиҳалар амалга оширилиши оқибатида бутун минтақа учун узоқ муддатли ҳалокатли оқибатлар юзага келиши мумкинлигини эътиборга олмай ҳал қилишга уринишлар бўлмоқда.

Минтақа экологиясининг ўнглаб бўлмас даражада ўзгариб кетиши ва табиатдан фойдаланиш бўйича юзага келган тизимлар ана шундай асосий хавфлар сирасига киради. Бу Марказий Осиёда жиддий экологик ҳалокатнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин. Йирик тўғонлар қурилиши минтақанинг шундоқ ҳам нозик экологик мувозанатини издан чиқариб, асосий сув оқимларини мавсумий тақсимлаш ва кўп йиллик бошқариш тизимини тўлиқ ўзгартириб юборади, минтақадаги сув ресурслари тақчиллигини ҳалокат ёқасига келтириб қўяди.

Тўғонлар қурилиши Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган мамлакатларда ёз мавсумида сув ниҳоятда камайиб, узоқ вақт кучли қурғоқчилик юзага келиши, қишда эса фалокатли тошқинлар рўй бериши, экин майдонларининг шўрланиши ва ҳосилдорлик кескин камайиб, миллионлаб одамларнинг оч-наҳор ва ишсиз қолишига, аҳолининг бу ердан оммавий кўчишига сабаб бўлиши мумкин. Глобал экологик ҳалокат зонасига айланиб бораётган Орол денгизига туташ ҳудудларда эса аҳвол бундан-да мураккаблашади.

Бугунги кунда батамом эскирган, бундан 40 йил муқаддам совет даврида ишлаб чиқилган, хавфсизлик ва барқарорлик бўйича замонавий талабларга мутлақо жавоб бермайдиган лойиҳалар ва нормалардан фойдаланишга уринишлар оқибатида пайдо бўладиган техноген фалокатлар ҳам жуда хавфлидир.

10 балли кучли зилзилалар ва мураккаб тектоник ўпирилишлар мунтазам содир бўлиб турадиган ҳудудда дунёдаги энг баланд тўғонларни барпо этиш кўзда тутилмоқда. Роғун тўғони қурилиши мўлжалланаётган жой кучли туз қатламидан иборат бўлиб, сувнинг сизиб кириши натижасида тузлар астасекин эриб кетиши ҳеч гап эмас.

Бундай тўғонларнинг ўпирилиш эҳтимоли ўз йўлидаги барча гидротехник иншоотларни буткул ювиб кетадиган улкан ва кучли сув тўлқинлари ҳосил қилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, ушбу дарёлар қуйи оқимида жойлашган юзлаб аҳоли пунктларининг тўлиқ ёки қисман сув остида қолишига, юз минглаб одамларнинг қурбон бўлиши ва бошқа сон-саноқсиз фожиали оқибатларга олиб келади.

Трансчегаравий дарёларда баланд тўғонлар қурилиши оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, халқаро ҳуқуқ нормалари, хусусан, БМТнинг мажбурий халқаро мустақил экспертиза ўтказиш, зарар етказмаслик ва бундай лойиҳалар бўйича барча манфаатдор мамлакатлар билан келишиш зарурлиги ҳақида аниқ талаблар белгиланган тегишли конвенциялари (1997 йилги Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенция, Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича конвенция, Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақидаги конвенция) талаблари ҳисобга олиниши шарт.

Шубҳасиз, АҚШда ушбу мамалакат парламенти ва ҳукуматининг мазкур масала юзасидан қатъий позициясини аниқ ифода этган ушбу қонуннинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти йирик тўғонлар ва гидроэлектрстанциялар қурилиши етказадиган мислсиз хавфлар оқибатини англаб етаётганидан яна бир карра далолат беради.

Бу қарор Марказий Осиёда йирик тўғон ва гидроэлектрстанциялар қуриш лойиҳасини амалга оширишга ўжарлик билан интилаётганларни ҳушёр торттириши даркор.

Юқорида қайд этилган халқаро молия институтлари Марказий Осиё минтақасида асосий инвесторлар экани инобатга олинадиган бўлса, қабул қилинган ушбу қонун бундай улкан лойиҳаларнинг амалга оширилиши етказадиган барча хавф-хатар ва оқибатларга яна бир бор теран кўз билан қарашга ундайди, шунингдек, мавжуд энергия тақчиллиги муаммосини ҳал этишнинг муқобил йўллари экологик нормаларни бузмайди, техноген ҳалокатларни келтириб чиқармайди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган халқаро ҳуқуқ нормаларига зид келмайди.

С.ЖИГАРЁВ,
«Гидролойиҳа» институти директори

ADOLAT
№ 4 (965) 2014-yil
31-yanvar, juma

Электорат учун очиқ эшик

ёки Ургут тумани партия кенгашининг фуқаролар мурожаатларига ҳозиржавоблиги хусусида

➢ Жамоатчилик қабулхонаси

Бу даргоҳга келган киши "ичкарига қадам қўйсам, мени қандай қабул қилиб олишади, тинглаб кўриб ёрдам беришга қунт-ҳафсаласи етармикан", деган истиҳолага бориб ўтирмайди. Ургут шаҳрининг энг кўркам жойида, шундоққина йўл ёқасида жойлашган партия кенгаши қабулхонасининг эшиклари электорат вакиллари — ўқитувчи, шифокорлар, оилавий тадбиркорларга, қурувчию, муҳандислар учун доимо очиқ. Ҳафтанинг етти кунида партиянинг маҳаллий кенгашдаги депутатлари иштирокида фуқаролар қабули ўтказилади. Ва албатта, ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларига биргаликда жавоб излаб топишга ҳаракат қилинади.

— Ўтган 2013 йилда жамоатчилик қабулхонаси орқали 150 нафардан ортиқ фуқаронинг мурожаатларини ўрганиб чиқишга ва ваколат доирасида ҳал этишга муваффақ бўлдик, — дейди партия туман кенгаши раиси Раббим Эсонов. — Бу мурожаатлар, асосан, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, тижорат банкларидан кредит олиш ёки халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги шарт-шароитларни такомиллаштириш, меҳнатга ҳақ тўлашда адолат мезонларига амал қилиш билан боғлиқ бўлгани боис биз ҳар бир таклиф, сўровни тегишли бошқарув идоралари билан вақтида кўриб чиқишга интиляпмиз.

Дарвоқе, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоатчилик қабулхонасига мурожаатлар, уларни ўрганиш жараёнида юзага келаётган хулосалар партия кенгашининг маҳаллий шароитга хос ва мос сиёсатини ишлаб чиқишда қўл келмоқда.

Туман партия кенгаши ўтган йили Самарқанд вилоятидаги тижорат банклари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда бошқа алоқадор ташкилотлар иштирокида катта мулоқот ўтказди. Тадбир якунига кўра балиқчиликни, чорвачиликни, асаларичиликни ёки бошқа бирон-бир турдаги тадбиркорликни ривожлантиришни истаган 20 нафардан ортиқ фуқаро салмоқли кредитлар эгаси бўлди.

— Жамоатчилик қабулхонаси орқали электорат билдираётган таклифларни чуқур ўрганиш, умумлаштириш асосида уларни маҳаллий ҳокимлик вакиллик органларининг тегишли доимий комиссияларига олиб чиқишга ва зарур қарорлар қабул қилишга эришяпмиз, — дейди туман кенгаши депутати Мадина Баратова. — Натижада жамоат транспорти ишини яхшилаш, коллежларда таълим самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳа объектларига муқобил энергия манбаларини жорий этиш сингари кўплаб фойдали амалий ишлар юзага келмоқда.

Демак, туман партия кенгаши ва унинг депутатлари очиқ мулоқотлар орқали электорат ишончини оқлашга, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга интилишмоқда. Бундай ҳозиржавоблик эса жойларда ўз акс-ифодасини бермоқда. Туманда ўтган бир йил мобайнида партия аъзолари сони 300 нафарга, БПТ лар эса 18 тага кўпайгани шундан далолат бермоқда.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири

Суратда: туман партия кенгаши раиси Р.Эсонов электорат вакиллари билан мулоқот чоғида.

➢ Огоҳлик — давр талаби

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан 1-сонли вилоят касалхонасида "Экстремизм — жамият ривожига тўсиқ" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, диний ташкилотлар, хотин-қизлар, ёшлар билан биргаликда маҳаллалар аъзолари, тиббиёт ва ОАВ вакиллари ҳамда ҳамкор идоралар ходимлари иштирок этди.

Фикр уйғоқлиги эҳтиёжи

Тадбирда кун тартибидаги долзарб масала юзасидан вилоят бош имом хатиби муовини Ражабали Норқўчқоров маъруза қилди.

— Бугун ҳар биримизга фикрий уйғоқлик керак, — деди нотиқ. — Динни ниқоб қилиб олиб, қўпорувчилик содир этаётган оқимларнинг байроқ қилиб олган ғояларига оддий инсоний ақл билан ёндашган киши бу "тадбир" замирида мудҳиш фитна борлигини англайди. Масалан, "Хизбут-таҳрир" оқими тарафдорларининг асосий ғояларидан бири халифалик давлати барпо этишдан иборат. Бу йўлда улар ҳатто ўз мақсадларини амалга ошириш учун қуролли курашларга чорлайди ва бу тарздаги курашларни бурч деб эътироф этади. Бу хил фатволар тинчликсевар ислом дини манбаларида қайд этилмаган. Умуман, динимизда қон тўкишга рағбатлантирадиган бирорта ҳам чақириқ йўқ. Шундай экан, ўзини ислом динидек озода либосларга ўраётган экстремизм балосига ҳар томонлама зарба беришимиз керак. Зеро, бу ишда ҳеч бир кимса четда туриши мумкин эмас.

Тадбирда вилоят партия кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедов Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар хусусида, шунингдек, диний ниқоб остида зўравонликка қўл ураётганлар қилмишлари ҳақида маъруза қилди.

Мунозараларда касалхона бош шифокори Ғайрат Муродов, вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Ўткир Расулов, БПТ раиси Гўзал Рўзмонова, тиббиёт ходимлари Ўктам Номозов, Салима Бозорова ва бошқалар ҳам қатнашиб, юртимиз ҳудудида диний экстремистик гуруҳлар ин қурмаслиги учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, масжидларнинг имом хатиблари, меҳнат ва уруш фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари ва сиёсий партиялар фаоллари иштирокида бугунгидек учрашувларни тез-тез ўтказиб, халқимизни, айниқса, ёшларни она Ватанга муҳаббат, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш туйғусида тарбиялашга, "Ўз уйингни ўзинг асра" шиорини амалда бажаришга даъват этдилар.

Маҳлиё САЛОМОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгаши йўриқчиси

Фаол, фидойи, жонкуяр

Давоми, Бошқ 1-бетда

Шунда ўтган йил охирида ўтказилган "Партиянинг оқила аёли" республика кўрик-танлови эсимга тушди. Иштирокчилар орасида Моҳирахон ҳам бор эди. Танлов қатнашчилари ўзлари яшайдиган вилоят ёки шаҳар тарихи, бугуни ва жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапириб беришди, сиёсий ва ҳуқуқий ҳамда партиянинг дастурий ғояларига оид билимларини синовдан ўтказишди. Моҳирахон Сиддиқова умумий натижаларга кўра фахрли биринчи ўринни эгаллади.

— Бундай кўрик-танловларнинг аҳамияти ва фойдали жиҳатлари жуда кўп, — дейди Моҳирахон Сиддиқова. — Чунки кўп нарсани бошқалардан ўрганишимиз, ўз тажрибамиз билан ўртоқлашишимиз мумкин бўлади. Шахсан ўзим бир қатор партиядошларимнинг иш услублари билан қизиқдим. Айниқса, пойтахт вилоятилик Феруза Жумаева, самарқандлик Дилбар Бобоева каби кўрик-танлов қатнашчилари билан партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, айниқса, аёллар билан ишлашни такомиллаштириш масалалари бўйича фикр алмашдик. Бундай мусоҳабалар фаолиятимизни янада яхшилашда муҳим роль ўйнайди, албатта.

Моҳирахон Сиддиқова ҳақида Ўзбекистон "Адолат" СДП Бағдод туман кенгаши раиси Муяссар Абдураимова билан ҳам суҳбатлашдик. У қаҳрамонимизни фаол партия аъзоси, фидойи инсон, жонкуяр жамоатчи сифатида таърифлади. Ҳақиқатан шундай. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, МФЙ раисининг диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилгач, Моҳирахонни "Олчин"га таклиф этишди.

Шунга ҳам ўн йилдан ошди. Моҳирахон дастлабки кунларданоқ янги ишга жон-дили билан киришди. Аҳолининг сиёсий онги, маънавий даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаганлар билан ишлаш каби масалалар ҳам диққат марказида бўлди. Маҳаллада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа ва ёрдамчи хўжаликлардан самарали фойдаланиш юзасидан амалга оширилган тадбирларнинг натижаси ҳам эндиликда юзага чиқмоқда. Бу, аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсишида, кам таъминланган оилалар сонининг камайиб бораётганлигида ўз аксини топмоқда. Албатта, кундалик фаолияти давомида "Адолат" СДП ғояларини ва сайловолди дастурини тарғиб қилишни ҳам унутмайди.

— Маҳалламизда уч минг саккиз юз нафардан зиёд киши истиқомат қилади, — дейди Моҳирахон Сиддиқова. — Фаоллар билан биргаликда ҳар бир кишининг қалбига йўл топишга, уларнинг саъй-ҳаракатлари ва куч-ғайратларини эзгу мақсадларга йўналтиришга интиламиз. Кейинги йилларда қандолатчилик, зардўзлик, дўппидўзлик, чеварчилик каби йўналишлардаги қатор кичик корхоналар очилди. Хусусий тадбиркорларга, айниқса, янги иш бошлаётган коллеж битирувчиларига кредитлар ажратилишида фуқаролар йиғини раҳбарияти ва фаоллари бош-қош.

Дарвоқе, Моҳирахон аввалдан ўзининг ижодий қобилиятини, билим ва маҳоратини намойиш этишга, жамоа шарафини ҳимоя қилишга интилади. Турли кўрик-танловларда қатнашиш жони-дили. Очиғини айтганда, бу ҳам барчанинг қўлидан келавермайди. Чунки кўпчилик ҳузурида сўз айтиш, ҳис-туйғуларини жиловлаш, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмаслик кишидан сабот ва қатъиятни талаб қилади. Бир неча йил олдин Моҳирахон "Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлди. "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танловида ҳам Фарғона номидан республика миқёсидаги заковат беллашувида муваффақиятли қатнашди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП кенгаши раиси Муяссар Абдураимова тақдим этган маълумотга кўра, туманда 23 та БПТ фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофида 386 фаолни бирлаштирган. Шуларнинг қарийб етмиш фоизини хотин-қизлар ташкил этиши диққатга сазовордир. 117 киши эса ўтган йили "Адолат" СДП аъзоси бўлди. 2013 йилнинг ўзида БПТлар сони олтитага ортди. "Лочин" фермер хўжалиги ҳамда Транспорт ва қурилиш коллежи қошидаги бошланғич ташкилотлар айниқса, ибратли фаолият олиб бормоқдалар.

Тумандаги партия етакчилари орасида аёллар кўпчиликни ташкил этишида ҳам Моҳирахоннинг ҳиссаси бор. Ана шулардан бири Тожихон Арслоновадир. У 15-мактабгача тарбия муассасасидаги БПТ раиси. Бу ердаги "адолат"чилар меҳнат фаолиятида ҳам, жамоатчилик ишларида ҳам фаол. Ўктамой Мирзаева, Нилуфар Усмонова каби партиядошларимиз етакчилик қилаётган бошланғич ташкилотларни ҳам намуналилар сирасига киритиш мумкин.

Эл-юрт манфаатлари йўлидаги ҳалол меҳнат, ташаббускорлик ва изланиш инсонга ҳамиша катта обрў ва юқори мартаба келтиради. Партиямиз фаоли Моҳирахон Сиддиқованинг фаолияти ҳам бунга яққол далилдир. Ўйлаймизки, у ва барча маслакдошларнинг ғайрат-шижоати туфайли Бағдод туманида "Адолат" СДП аъзолари ва хайрихоҳларининг сони ортиб бораверади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Adolat» мухбири

Суратда: Моҳирахон Сиддиқова (ўртада) партиядошлар билан.

? Сўранг, жавоб берамиз!

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ўз олдига қандай вазифаларни қўйган?

И.Сиддиқов, Бўка тумани

Партия сиёсий куч сифатида ўз олдига:

- Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни ва адолатли фуқаролик жамиятини яратиш борасида демократик жараёнларни чуқурлаштириш;
- Ўзбекистон фуқароларига ўз қонуний ҳуқуқлари, эрк ва бурчларини англашга кўмаклашиш, уларнинг сиёсий онги ва маданиятини оширишда ёрдам кўрсатиш;
- миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, ҳар қандай миллатчилик, диний экстремизм, терроризм иллатларига қарши кураш олиб бориш, динлараро бағрикенгликни, тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни тарғиб қилиш;
- кучли ижтимоий сиёсатни олиб боришга, аҳолининг бойлар ва камбағалларга кескин бўлиниб кетишига йўл қўймасликка, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш;
- инновацион технологиялар негизида сарфланаётган энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартибини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишнинг асосли механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттиришга, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқишга, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фаол кўмаклашиш ва бошқа бир қатор вазифаларни амалга оширишни қўйган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси кимнинг олдида ҳисобот беради?

С.Салимов, Самарқанд вилояти

Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси партия Қурултойлари, Сиёсий Кенгаш Пленумлари ва Сиёсий Кенгаш Ижроия Қўмитаси мажлислари қоидаларига амал қилиб, улар олдида ўз ишлари юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот беради.

Саволларга Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Устави асосида жавоб берилди.

ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Инсон эътибордан қолмайдиган юрт — БУ

➢ Сиёсий ўқиш

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси жамоатчилик орасида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши томонидан ҳам ушбу маърузанинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган сиёсий ўқиш ташкил этилди. Унда партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Дастлаб, Ўзбекистон "Адолат" СДП Андижон вилояти кенгаши раиси ўринбосари П.Асханов маърузада белгиланган устувор вазифалар аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга хизмат қилишини таъкидлади. 2014 йил мамлакатимизда бир миллион иш ўрни яратилиши, 388 та массивда намунавий лойиҳа асосида 11 минг уй-жой барпо этилиши, таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган маблағлар 407 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этиши ёки уларнинг ҳажми қарийб 30 фоизга ортиши мўлжалланаётгани юртимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгиланганлигидан далолат беради.

Тадбир давомида қўлга киритилган ютуқлар мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг меваси эканига алоҳида эътибор қаратилди.

— Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар барчамизни юрт равнақи, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш, ўзимиз меҳнат қилаётган соҳада фидойилик кўрсатиб ишлашга руҳлантирди, — дейди халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши депутати М.Мирзаев. — Давлатимиз раҳбари маърузаларида белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси айниқса, биз маҳаллий кенгашлар депутатларидан катта масъулият талаб этади. Одамлар ва сайловчилар орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг муаммолари, орзу-истакларини ўрганиб, аниқ таклифлар билан чиқишимиз, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари бўйича партиямиз позициясини шакллантириб боришимиз, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муқобил таклифларни илгари суришимиз лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида бандлик масаласи, хусусан, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича аниқ кўрсатмалар илгари сурилди. Айниқса, коллеж-корхона ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, битирувчиларни банк кредитлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ҳақида гап кетганда, партиямизнинг халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашидаги депутатлик гуруҳи дастур бажарилиши устидан назорат ўрнатиш билангина чекланиб қолмасдан, ёшлар, вақтинча ишсиз фуқаролар учун қўшимча иш жойлари ташкил этиш бўйича амалий чоралар кўришда кўпроқ қатъият кўрсатиши, партия ҳудудий ташкилотлари уларга бу жараёнда яқиндан ёрдам бериши талаб этилади.

Таъкидланганидек, ўтган 2013 йилда Андижон вилояти бўйича коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 12 миллиард сўм кредит ажратилган бўлиб, жорий йилда бу рақамни 24 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилмоқда.

— Маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан коллежларда айни шу масалада олиб борилаётган ишларнинг қониқарли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилгани ўз натижасини бермоқда. Кейинги вақтда коллеж битирувчилари орасида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёшлар сони ортиб бормоқда. Бу масалага ота-оналар ва банк ходимларининг ҳам қизиқиш билан қараётгани янада қувонарли, — дейди халқ депутатлари Андижон вилояти кенгаши депутати Мухиддин Мирзаев. — Биз бугун 2014 йилда бу борада янада фаол иш ташкил этишга келишиб олдик. Токи коллежни тамомлаган ҳар бир битирувчи ишсиз қолмасин.

Давра суҳбати давомида Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир" мавзусидаги маърузаси хусусида ҳам сўз юритилди. "Соғлом бола йили"да амалга ошириладиган вазифалар, бу борада жойлардаги партиядошларимиз фаоллигини ошириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сиёсий ўқиш якунида партия фаоллари ва маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан маъруза юзасидан жойларда тарғибот ишларини олиб бориш ва ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

Сиёсий фаоллик — фуқаролик жамияти ривожига асос

➢ Давра суҳбати

Тошкент шаҳар 2-сонли сил касалликлари шифохонасида Ўзбекистон «Адолат» СДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши ташаббуси билан «Демократик жамиятни шакллантиришда фуқаролар сиёсий фаоллигининг роли» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари фаоллари ҳамда шифохона ходимлари иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда 2013 йил якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар ва устувор вазифаларни партия фаоллари ҳамда электоратимиз онгига чуқур сингдириш, шу орқали уларнинг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ва фаоллигини оширишга қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳамда бу борада давлатимиз раҳбарининг маърузаларида билдирилган танқидий-таҳлилий фикрлар тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритишди.

Таъкидланганидек, демократия йўлида жамиятнинг изчил тараққиёти, амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти кўп жиҳатдан Ўзбекистон халқининг демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидан ҳаракатланиш динамикасига, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни идрок қилишига боғликдир.

— Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий тарбиясини такомиллаштиришдан иборатдир, — деди халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Зумрад Акрамходжаева. — Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилиб, самарали амалга оширилмоқда. Аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини оширишда, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялашда кучли омил бўлиб ҳисобланган мустақил ОАВ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ўз сайловолди дастуридан келиб чиқиб, жойлардаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари орқали фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказда ва жойларда давлат ҳокимиятини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаш, турмушимизнинг кўпгина долзарб муаммоларини ҳал этишда муҳим сиёсий куч сифатида ҳаракат қилиб келмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатида жорий «Соғлом бола йили»да партия фаоллари зиммасидаги масъулият ва вазифалар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Тадбир якунида партия аъзолигига қабул қилинган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига аъзолик билетлари топширилди.

Бобир ОТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

«Маҳаллот»нинг фаол «адолатчи»лари

➢ БПТ — партия таянчи

Қашқадарё технологик транспорт очиқ акциядорлик жамиятида партиянинг бошланғич бўғини ташкил этилганида бор-йўғи 15 нафар аъзоси бор эди. Фаоллар ўтган давр ичида жамият ишчи-хизматчилари ўртасида партия ғояларини, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилишди. Натижада ўтган қисқа вақт ичида 112 нафар ишчи-хизматчилар ўз хоҳиш-истаклари билан Ўзбекистон "Адолат" СДПга аъзо бўлишди.

БПТ раиси Азим Баратов, партия фаоллари иқтисодчи Замира Нуриллаева, Феруза Усмонова, етакчи мутахассис Замира Изомова, бўлим бошлиқлари Нодира Раҳмонова, Бердиёр Эшонқуловлар шу кеча-кундузда Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган вазифалар хусусида корхона-ташкилот, муассаса ва маҳаллаларда турли давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказишмоқда.

Шундай тадбирлардан бири яқинда Қарши шаҳридаги "Маҳаллот" маҳалласи аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари, хайрихоҳлар иштирокида ўтказилди.

— Бу маъруза юртимиз эришган ютуқлар, уларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақидаги қўлланмадир, десак хато қилмаймиз, — деди БПТ раиси Азим Баратов. — Шунинг учун бу маърузанинг мазмун-моҳиятини, унда белгиланган вазифаларни аҳолига етказиш, шу асосда иш олиб бориш жуда фойдалидир. Чунки маърузада Президентимиз юртимиз ҳаётидаги муҳим ислоҳотлар ҳақида тўхталар экан, сиёсий партиялар фаолияти ва масъулиятини кучайтириш масаласига жиддий эътибор қаратди. Демак, сиёсий партиялар билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий масалалар ечимида муносиб иштирок этиши зарур.

Таъкидлаш керакки, мазкур БПТ ўз фаолиятида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишга муҳим эътибор қаратяпти. Шаҳардаги "Навоий", "Қарлиқхона", "Қўрғонтепа" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси, шу маҳаллалар ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот, коллеж ҳамда мактаблар жамоалари билан ўтказилган "Энг намунали маҳалла", "Она ва бола саломатлиги — миллат келажаги", "Соғлом бола — юрт истиқболи", "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари", "Аёл — жамият фаоли" каби учрашувлар, давра суҳбатлари, айниқса, таъсирчан ва самарали бўлмоқда. Бу эса аҳолининг кундан-кунга "Адолат" СДПга бўлган қизиқиши ва ишончни орттирмоқда.

— Бугун ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ташаббускор ва фаол бўлсагина чинакам натижага эришиш мумкин, — дейди партиянинг Қарши шаҳар кенгаши раиси Фаррух Иззатуллаев. — Ҳозир шаҳар кенгаши атрофига уюшган 30 дан ортиқ БПТлар ана шундай фаол иш олиб боришяпти. Дарвоқе, Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари ОҲЖ, "Олимпия захиралари" спорт коллежи, 1-сонли вилоят шифохонаси, Қарши таъмирлаш заводи, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида ташкил этилган қуйи ташкилотларимиз аъзолари ишчанлик, изланувчанлик хислатларини намоён этиб, бошқаларга намуна бўлишмоқда.

— Азим Баратов раислик қилаётган БПТ фаолларининг саъй-ҳаракати туфайли маҳалламизда жамоатчилик назоратини йўлга қўйганмиз, — дейди партия аъзоси, Қарши шаҳридаги "Маҳаллот" МФЙ раиси Маматқул Пўлатов. — Шу туфайли маҳалламизда юзага келаётган айрим ижтимоий масалалар, фуқароларимизнинг мурожаат ва шикоятлари асосида коммунал соҳадаги айрим камчиликлар БПТ фаоллари аралашуви билан қисқа вақтда ҳал этиляпти. Бунинг учун муаммога дахлдор ташкилотларга истеъмолчилар ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда қонуний талаблар қўйилиб, унинг бажарилиши назоратга олинаётгани эътиборга молик.

БПТ фаоллари шунингдек, Қашқадарё технологик транспорт очиқ акциядорлик корхонасидаги ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга ҳам хизмат қиляпти. Хусусан, қуйи бўғин томонидан корхона раҳбариятига партия манфаатидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, инновацион ғоялар билан бойитиш бўйича ўз қарашлари ва таклифларини бераётганлиги ҳам партия ғояларига бўлган ишончни оширишга хизмат қиляпти. Шу кунларда 15 нафар корхона ишчи-хизматчиларининг партияга аъзо бўлиш истагини билдирганлари фикримизнинг яққол исботидир.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгаши матбуот котиби

ADOLAT
№ 4 (965) 2014-yil
31-yanvar, juma

Самарадорликнинг ҳуқуқий асослари

➢ Адлия минбари

Жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотлар барча жабҳаларда кенг қулоч ёзмоқда ва улар пировард натижада мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.



Ўтган йиллар давомида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятни шакллантириш, демократлаштиришнинг таркибий қисми сифатида судни ҳокимиятнинг холис, мустақил тармоғи сифатида мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимояланишини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларининг либераллаштирилиши ислоҳотларнинг муҳим йўналиши бўлди.

Мамлакатимизда 2008 йилда ўлим жазосининг бекор қилиниши, шунингдек, жиноий жазолар тизимининг либераллаштирилишига доир чора-тадбирлар натижасида жиноятлар таркибининг 75 фоизига яқини оғир, ўта оғир тоифалардан иҳтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган тоифаларга ўтказилганлиги катта социал, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Жиноят судлов ишлари амалиётига яраштирув институти жорий этилди, судларнинг иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш ўрнига жарималар тарзидаги жазоларни қўллаш имкониятлари кенгайтирилди. Судлов ишларини юритиш тизимида адолат, жазонинг муқаррарлиги тамойили ва ўзгача демократик тамойиллар мустаҳкамланишини таъминловчи бошқа қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ишни судга қадар юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Миллий қонунчилигимизга «хабеас корпус» институти жорий этилди — қамоққа олишга санкция бериш, шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи прокурорлардан судларга ўтказилди.

Ҳуқуқни қўллаш ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, одил судловни амалга ошириш процессуал асосларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар одил судловнинг муқаррарлигини, тезкорлигини, қонунийликни таъминлашда суднинг ролини оширишга кўмаклашди.

Прокурор ва адвокатнинг жиноят ҳамда фуқаролик жараёнларининг барча босқичларидаги тортишувлари тенглигини, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми сифатида адвокатура мустақиллигини мустаҳкамлашга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ жиноят иши қўзғатиш, иш юзасидан айблов хулосасини ўқиб эшиттириш сингари ҳуқуқларни судлар ваколатидан чиқарилишини назарда тутувчи ўзгартишлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритилди. Бу эса ўз навбатида суднинг объективлиги, холислигини таъминлашга, жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида тортишув тамойилининг кучайишига кўмаклашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини иҳтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлашда, судья кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган самарали тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз томонидан 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон республикамизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши билан умумий юрисдикция судларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш, туманлараро, туман (шаҳар) судлари одил судловни сифатли амалга оширишларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишларини таъминлаш учун туманлараро туман (шаҳар) судларида тегишли тартиб ўрнатиш ҳамда уларнинг иш билан бандлигини мақбуллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туман) суди тузилиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди.

Фармонда янги тузилаётган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман) судларини тўлдириш ҳамда иши энг кўп бўлган амалдаги туманлараро (туман) судлари ходимларининг сонини кўпайтириш учун фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг сони 71 тага кўпайтирилиши, шунингдек, иши нисбатан камроқ бўлган судлардан 23 та судья лавозимларини иш ҳажми кўпроқ бўлган туман судларига ўтказиш орқали жиноят ишлари бўйича вилоят ва уларга тенглаштирилган судларнинг, шунингдек, туман (шаҳар) судлари ходимларининг сони қайта тақсимланиши белгиланди.

Шунингдек, Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида унинг ходимлари умумий сони доирасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тузилиши, судьялар мустақиллиги ҳамда улар фақат қонунга бўйсуниши тамойилига қатъий риоя этган ҳолда, судларнинг ижро интизоми, ишларни ўз вақтида кўриб чиқиши устидан назорат қилиш вазифалари, шунингдек, судлар ташкилий фаолиятини, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларини такомиллаштириш, суд девонларининг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини оширишга доир ишларни амалга ошириш функциялари унинг зиммасига юклатилиши назарда тутилди.

Фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судларда Суд амалиёти ва статистикаси таҳлили бўлимлари тузилиб, улар таркибига суд статистикаси бўйича амалдаги мутахассис лавозимлари киритилиши, шунингдек, уларни тўлдириш учун қўшимча 28 нафар бошқарув ходими ажратилиши белгиланди.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг янгиланган тузилмаси, шунингдек, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ходимларининг умумий сони қайта тасдиқланди.

Шу билан бирга, "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси билан биргаликда миллий қонун ҳужжатларини, хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларимизга, замонавий талабларга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд томонидан ишончли ҳимоя қилинишидан иборат вазифаларга мос эканликларини объектив аниқлаш имконини берувчи, умумий юрисдикция судьялари ва судларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари тизимини ишлаб чиқиш ва уни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган.

Бундан ташқари, Фармонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва либераллаштириш мақсадида жиноий, маъмурий суд ишлари юритилишига доир ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш; фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда маъмурий-ҳуқуқий низоларни судгача, суддан ташқари ҳал қилиш тартибини янада такомиллаштириш; умумий юрисдикция судларининг ҳукмлари, қарорлари ижро этилиши устидан суд назоратини кучайтириш; Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг ўринбосарлари, вилоят судларининг раислари ва уларга тенглаштирилган судларга кассация тартибида протест билдириш ҳуқуқини бериш каби бир қатор таклифлар ишлаб чиқилиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу топшириқ ижроси юзасидан ҳамда Фармонда назарда тутилган юқоридаги таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилинганлиги мамлакатимизда судлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича жиддий ҳуқуқий ва муҳим қадам, пировардида эса янада ижобий амалий ўзгаришларнинг асоси бўлиб қолади, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган шу каби ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин.

Даврон ҚАЛАНДАРОВ,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи

➢ Ижтимоий ҳамкорлик

Аҳоли ўртасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтиришда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аҳамияти катта.

Истеъмолчи манфаати ҳимояда

Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши билан Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий мақсадларининг негизи жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Мана шу эзгу ғояларни амалга ошириш бизнинг федерациямиз ходимларининг ҳам асосий мақсади ҳисобланади. Мақсадлар муштараклиги асосида йўлга қўйилган ҳамкорлик эса ҳар иккала томон учун ҳам мақбул ва самарали бўлмоқда.

Халқ мақолида «Бирлашиб кўтарган юк енгил» деб айтилганидек, партия билан ҳамкорликда ўтказилган ҳар бир тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлмоқда. Энг асосийси, фуқароларимизнинг истеъмолчи сифатида маданияти юксалиб, ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран англаш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш йўлида фаол иштирок этишга бўлган қизиқиши ортмоқда.

Ўтказилаётган тадбирларда кимдир сотиб олган маҳсулотининг сифатсиз чиққанидан гапирса, кимдир айрим вақтларда йўловчи ташувчи транспортларда нархларнинг асоссиз кўтарилиши, баъзи савдо шохобчаларида банк пластик карточкаларидан фойдаланиш учун тўлов терминаллари йўқлиги ёки ишламаётганлиги рўкач қилиниши ҳақидаги шикоятлар билдирилади, айримлар янги қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни сўраб мурожаат қилади.

Инсон манфаатлари йўлида хизмат қилаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП ва федерациямиз ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда иштирокчиларга керакли маслаҳат ва тушунчаларни етказган ҳолда берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб беришга, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга биргаликда ҳаракат қиламиз.

Ўтган 2013 йил давомида ҳамкорликда ўтказилган 20 га яқин турли мавзудаги тадбирларимизда республикамизнинг турли ҳудудларидан минг нафардан ортиқ фуқаролар иштирок этишди ва уларнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларини янада кенгроқ тушунтириш йўлидаги эзгу мақсадларимизни жорий йилда ҳам давом эттиришни мақсад қилганмиз.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилиши, миллий ва халқаро тажрибалар уйғунлиги бугун фуқароларимиз ҳаётида ўз амалий самараларини кўрсатмоқда.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти негизи ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига қаратилаётган юксак эътибордан биз ҳам доим мамнунмиз.

Олдимиздаги энг асосий вазифа эса фуқароларнинг жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорлигини ошириш орқали уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражасининг юксалишига эришишдир.

Азамат АБДУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси

Қонунга итоат тараққиётга етаклайди

Миллий қонунчилигимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормалар асосида такомиллаштирилиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат механизмларининг яратилиши ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти сари одимлаб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш адлия органларининг асосий вазифаларидан биридир.

Хоразм вилоят Адлия бошқармасининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан 2013 йилда бу борада муайян ишлар амалга оширилиб, Асосий Қонунимизда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олишга йўналтирилган фаолияти мисолида қуйидагиларни акс эттириш мумкин.

Хусусан, бўлим томонидан бошқарманинг иш режасига асосан давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан Хоразм вилояти Ер ресурслари ва давлат қадастри бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида, вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси ва унинг туман (шаҳар) бўлимларида, вилоят хўжалик ҳисобидаги Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК ва унинг тизимида ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг тизимларида ўрганишлар ўтказилиб, жами 627 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Уларни бартараф қилиш юзасидан жойларга жами 59 та тақдимнома, 46 та огоҳнома ва 22 та ёзма кўрсатмалар киритилди.

Киритилган тақдимномалар муҳокамаси юзасидан 76 та мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Жумладан, Хоразм вилояти Ер ресурслари ва давлат қадастри бошқармасида ўтказилган ўрганиш юзасидан киритилган тақдимномага асосан бошқарманинг бош ҳисобчиси ва кадрлар бўлими бошлиғига "ҳайфсан" интизомий жазоси берилган.

Шунингдек, Боғот тумани Ер ресурслари ва кадастр бўлимида ўтказилган ўрганишда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари бузилишига йўл қўйилганлик ҳолати аниқланиб, айбдор мансабдор шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклиф киритилди.

Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 1 нафар мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК вилоят бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида ўтказилган ўрганишлар бўйича жами 13 та тақдимнома киритилиб, 21 та мансабдор шахсга нисбатан интизомий жазо берилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида дадил одимлар экан, бу йўлда қонунга итоаткорлик асосий мезон ҳисобланади. Бу эса барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар сингари адлия органларининг зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан Хоразм вилояти Ер ресурслари ва давлат қадастри бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида, вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси ва унинг туман (шаҳар) бўлимларида, вилоят хўжалик ҳисобидаги Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК ва унинг тизимида ҳамда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг тизимларида ўрганишлар ўтказилиб, жами 627 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Сардорбек АВЕЗОВ,
Хоразм вилоят Адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

Даромадлардан олинадиган солиқ: ўзгартиш ва қўшимчалар

➢ Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори билан солиқ солиш йўналишида бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар жорий этилди.

Жумладан, 2014 йилдан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга пасайтирилди. Бунда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини, шунингдек, энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларида назарда тутилган имтиёзларни ҳисоблаб чиқариш учун энг кам иш ҳақи миқдорининг 2014 йил 1 январидаги ҳолати (96 105 сўм) инобатга олинади ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта кўриб чиқилмайди.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг мулкий даромадларидан тўланадиган даромад солиғи бўйича солиқ солинадиган энг кам даромадларни аниқлаш мақсадида жисмоний шахслар томонидан турар жой ва нотурар жойларни ҳамда автотранспорт воситаларини ижарага беришда ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорлари белгиланди.

Унга кўра, жисмоний шахслар 2013 йилдаги уй-жойнинг 1 квадрат метри учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб белгиланган табақалашган миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилди, яъни, Тошкент шаҳрида — 3 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда — 2 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида — 1 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, 2014 йилдан бошлаб, нотурар жойларнинг 1 квадрат метри учун (умумий майдондан келиб чиқиб) ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорини унинг жойлашган жойига қараб табақалашган миқдорлари белгиланди. Хусусан, Тошкент шаҳрида — 6 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда — 4 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида — 2 минг сўмни ташкил этади. Масалан, Тошкент шаҳрида 100 кв.м нотурар жойни ижарага беришда ойлик ижара тўловининг энг кам миқдори 600000 сўмни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра, жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкини ижарага беришдан олган даромади жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси асосида солиққа тортилади.

Шулар билан бирга, жорий йилдан эътиборан жисмоний шахсларнинг автотранспорт воситалари учун ойлик ижара тўловининг энг кам миқдорлари ҳам белгиланди. Енгил автомобиллар (йўловчи, юк ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўриндиғини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та ўриндиққача бўлган автотранспорт воситалари) 1 та автотранспорт воситаси учун 220 минг сўм, микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллар учун 430 минг сўмдан иборат бўлди.

Ровшан ҲАМРОҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар Учтепа туман ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи

Электрон тижорат нима?

➢ "Adolat" шарҳи

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, илм-фан шиддат билан ривожланиб бораётган замонамизда оламшумул ихтиролар шу қадар кўп учрамоқдаки, натижада бунга кўникиб бораётган инсониятда янгилик, кашфиётлардан ҳайратланмаслик одати пайдо бўляпти.

Ўзингиз бир тасаввур этиб кўринг-а, илк маротаба ака-ука Райтларнинг самога қирқ сониялик парвозидан атиги олтмиш йил ўтар-ўтмас одамзод Ойга бориб кўнди. Ёки бундан бир аср илгари матбуот соҳасининг энг катта ютуқларидан бири сифатида эътироф этилган босма ҳарфларни теришга мослаштирилган дастгоҳни олайлик. Ўз вақтида бундай ускуна фойдаланувчига катта қулайлик туғдирган бўлса-да, бугунги кунга келиб хилма-хил турдаги технологик мосламаларнинг кашф этилиши натижасида ушбу дастгоҳнинг аҳамияти деярли йўқолган, десак янглишмаймиз. Бунга қандай эришиляпти? Асосий омил — инсон эҳтиёжи ва талабига мутаносиб изланувчанлик ошиб боришида, яъни ақл билан иш юритадиган жамият ҳеч қачон эришилган маррада қолиб кетмаслигида. Хусусан, кўзлаган мақсадига етган инсон шу билан кифояланмай, янги орзу сари интила бошлашида.

Шу ўринда, бугунги кунда энг оммабоп восита — интернет ҳақида сўз юритсак. Аслида дастлаб биргина идора-муассаса доирасида ходимларнинг маълумот алмашиниш воситаси сифатида кашф этилган ушбу тармоқ бугунги кунга келиб бутун дунёни ўз тўрига илинтира олди, десак муболаға бўлмайди. Бугун биз интернетнинг сўнгги пайтларда кўп гапирилаётган фойда ёки зиёни ҳақида эмас, унинг ҳаётимиздаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти хусусида сўз юритмоқчимиз.

Асримиз бошида бирон кишидан "яна 10-15 йилдан сўнг интернет ёрдамида даромад топиш, хизматлар ва маҳсулотлар учун ҳақ тўлаш ёинки давлат ташкилоти вакилига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш мумкин бўлади, шунга ишонасизми?" деб сўраганингизда, аминмизки, ўша шахс учун сиз хаёлпараст бўлиб кўринардингиз. Лекин вақт ва замон эврилишлари жараёнида одамзод, унинг дунёқараши, талаби ва эҳтиёжи ҳам шунга монанд ўзгармоқда. Зеро, интернет тақдим этаётган қулайликлар туфайли бугун биз нафақат қўшни вилоят ёки шаҳар, балки бошқа қитъадаги танишбилишларимизга ҳам видеоқўнғироқлар қилишимиз, фойдаланган хизматларга ҳақ тўлашимиз, маҳсулотларга буюртма беришимиз ва сотиб олишимиз мумкин бўлиб бормоқда. Лисонимизда интернет бизларга тақдим этаётган энг оддий интерактив хизмат — электрон хат-хабардан бошлаб, электрон кутубхона, электрон масофавий таълим каби ҳамда электрон тижорат, электрон тўловлар, электрон биржа, электрон мурожаат каби атамалар тез-тез қўлланилаётганининг ўзи ҳам ушбу оммабоп тармоқ ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб келганлигини кўрсатади.

Муҳими, янги тушунчаларнинг, атамаларнинг ҳуқуқий асоси яратилмоқда, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шунга монанд такомиллаштирилмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг маълум қилишича, амалдаги "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун замон талабига мослаштирилиш арафасида. Яъни мурожаатчи — фуқаро ёки юридик ташкилотга қулайлик туғдириш мақсадида ушбу қонунга электрон мурожаат ва унга жавоб бериш муддатларига оид алоҳида моддалар киритилиши режалаштирилмоқда.

Маълумки, сўнгги пайтларда юртимизда қулай бизнес муҳитини шакллантириш, замонавий ахборот технологиялари асосида кичик бизнесни янада ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар учун янги турдаги банк хизматларини жорий этиш, хусусан электрон тўловлар тизимини амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операцияларининг электрон шаклда амалга оширилиши буюртмачи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги муносабатларнинг тезкор ва сифатли бўлишига хизмат қилмоқда. Бугун географик жойлашувидан қатъи назар тадбиркорлар масофадан туриб дунёнинг турли минтақаларидан ҳамкор топиб, улар билан тижорат ишларини юритиши ва маҳсулот ҳамда хизматларини жаҳон бозорига олиб чиқиши мумкин. Тадбиркорлар учун яна бир қулайлик яратилган, яъни уларда тегишли ташкилот ва идораларга статистика, молия ва солиқ ҳисоботларини электрон шаклда жўнатиш имконияти мавжуд. Натижада бугунги кунга келиб тадбиркорлик субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, электрон тўловлардан фойдаланиб давлат эҳтиёжлари учун электрон харидни амалга ошириш давлат бюджети харажатларини 20-40 фоизга, тадбиркорлик субъектлари учун эса ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини 5-10 фоизга камайтириш имконини беради. Демак, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга замонавий ахборот технологияларининг кенг жорий этилиши, компьютер тармоғидан фойдаланган ҳолда харид қилиш, сотиш, сервис хизматини кўрсатишни амалга ошириш, маркетинг тадбирларини ўтказиш имконияти нафақат хўжалик юритувчи субъект ёки тадбиркор учун, балки уларнинг мижозлари — аҳоли учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу амалиётлар Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонуни асосида амалга оширилади.

Хўш, электрон тижоратнинг анъанавий савдо турларидан қандай фарқи ва афзалликлари мавжуд? Биринчидан, харидор ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга; иккинчидан, тадбиркорда савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти мавжуд. Учинчидан, кўп сонли харидорлар бир вақтнинг ўзида бир нечта фирмаларга мурожаат қила олиши, тўртинчидан, керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва шу маҳсулотлари бор фирмаларга мурожаат қилишда техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни бир жойга йиғиш ва уларни сотиб олишда аниқ манзилларга мурожаат қилиш ёрдамида вақт ва маблағ тежалиши, шунингдек, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиш имконияти шулар жумласидандир.

Бугунги кунда интернет тўлов тизимлари, улар орқали тўловлар ва харидлар қандай амалга оширилади? Электрон тўлов — техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконияти ҳисобланади. Электрон тўлов харидорнинг электрон ҳисобидан шахсий банк рақами ҳисобига пул маблағларини чиқариш имконига эга бўлган сотувчи/хизмат кўрсатувчининг электрон ҳисобига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу тизим ёрдамида интернет ва IP-телефонига уланиш учун «ПИН» кодлар ҳамда интернет дўконлардан товарларни харид қилиш, уяли алоқа хизмати, шаҳар телефони, коммунал хизматлар, реклама, чипталар, веб ресурслар учун ҳақ тўлаш мумкин.

Ҳамонки, барча турдаги маҳсулотлар ва сервис хизматлари учун электрон пуллар орқали тўловларни амалга ошириш технологиясини ривожлантириш замон талаби экан, авваламбор ёшларга таълим берувчи тегишли олийгоҳ-муассасаларда ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда электрон тижоратни ташкил эта олувчи етук мутахассисларни тайёрлаш, жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида нақд пулдан фойдаланишнинг оптимал вариантларидан бири бўлган пластик кредит ва дебит карталарини оммавий амалда қўллашга оид тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш талаб этилади. Шу билан бирга, фуқароларимизда зарур маълумотларни излаш технологиясига оид кўникмаларини шакллантириш муҳимдир.

Саодат СОДИҚОВА,
«Adolat» мухбири

? Сўранг, жавоб берамиз!

Мен туғилажак фарзандимга фақат ўзимнинг исм-шарифимни беришим мумкинми? Ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилганлигини расмийлаштириш тартиби қандай?

Ж.Дамирова, Янгийўл тумани

Туғилганликни ёлғиз (қонуний никоҳда бўлмаган) она томонидан қайд эттиришда ФҲДЁ органига онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва ёзма аризаси тақдим этилади. Ёлғиз онанинг аризаси белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим бўлиб, ишончнома орқали далолатнома ёзуви қайд этилиши мумкин эмас.

Агарда туғилган боланинг онаси вояга етмаган бўлса, туғилганлик боланинг туғилганлигини қайд этиш ҳақидаги тиббиёт муассасасининг маълумотномаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг аризасига асосан қайд этилади. Бундай ҳолда, болани туққан онанинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, шунингдек яшаш жойидан, ўқиётган бўлса, ўқиш жойидан расми елимланган ҳолдаги маълумотномалар тақдим этилиши лозим.

Ёлғиз она аризасида боланинг, онанинг ва отанинг фамилияси бир хилда она фамилияси бўйича кўрсатилиши лозим.

Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини қайд этишда ёлғиз она шахсан иштирок этолмаган тақдирда аризадаги она имзоси туғруқхона ёки она жойлаштирилган шифохона шифокорининг имзоси ва туғруқхонанинг муҳри билан ёхуд нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт. Бошқача тартибда ёки ишончнома орқали далолатнома ёзуви қайд этилишига йўл қўйилмайди.

Ёлғиз онага фарзандининг туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома берилади.

Саволга Зангиота тумани ФҲДЁ бўлими катта инспектори **Феруза ТУРҒУНБОЕВА** жавоб берди.

Яқинда вилоят ижтимоий таъминот бўлимига ариза билан мурожаат этдим. Аризамнинг жавоби қачон маълум бўлишини сўрасам аниқ жавоб бермай, хабар олиб туринг дейишди. Айтинг-чи, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишнинг қонунда белгиланган аниқ муддати қандай?

Н.Зарипова, Тошкент вилояти

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига биноан, фуқароларнинг таклифлари у тушган кундан эътиборан бир ойгача муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб қиладиган таклифлар бундан мустасно ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Ариза ёки шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан, бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун қўшимча текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат идораси раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Саволга олий тоифали ҳуқуқшунос **Баҳодир ХАЙРУЛЛИН** жавоб берди.

Reklama

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси танлов савдоси

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
"Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний ва Ю.Саккокий кўчалари кесишмасидаги Фарғона вилоят Давлат божхона кўмитасининг маъмурий биноси қисми қурилиши".

Бошланғич нархи — **1 949 370 600 сўм ҚҚС билан; 1 624 475 500 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **6,5 ой.**

Қурилиш ишлари: **Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона Қўмитасининг бюджетдан ташқари фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Буюртмачи: **Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси.**

Манзил: **Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 52-а уй, тел.(373) 244-67-31; 244-67-32.**

Давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500 млн. сўмдан юқори бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектларига ўтказиладиган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин ***Фарғона шаҳар Ал-Фарғоний кўчаси 52-а уй*** **манзилда ўтказилади.**

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: ЛОТ-1.
ЛОТ 1.1 «Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Хонобод ҚФЙ Сойёни қишлоғидаги янги намунавий уй-жойлар йўли қурилиши".

Бошланғич нархи — **188 838 528 сўм ҚҚС билан; 157 365 440 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **30 кун.**

Манзил: **Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, тел.(373) 401-52-06.**

Қурилиш ишлари: **Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)224-18-71

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин ***Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй*** **манзилда ўтказилади.**

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ, КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилояти 22-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:
"Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги "Ч-2-1" хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари (L=142,932 км)".

Бошланғич нархи **1 492 531 920 сўм ҚҚС билан; 1 243 776 600 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **12 ой.**

Буюртмачи: **22-сон Қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.**

Манзил: **Фарғона шаҳар ал-Фарғоний кўчаси 92-уй, тел.(373) 244-70-85**

Қурилиш-монтаж ишлари: **Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.**

Кичик бизнес субъектлари учун квота ўлчови — 35%.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 8-373-244-55-32

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин **Фарғона шаҳар ал-Фарғоний кўчаси 92-уй, манзилда ўтказилади.**

ADOLAT
№ 4 (965) 2014-yil
31-yanvar, juma

Ҳакимжон АБРАЛОВ:

«Соат милларидек доимо, юрагингиз урсин бехато»

Давоми. Боши 1-бетда

— Бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кардиохирургияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг боиси нимада?

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра ҳозирги вақтда аҳоли ўртасида учраётган ўлим ва ногиронлик ҳолатларининг кўпи юрак-қон томир касалликлари туфайли рўй беряпти. АҚШдаги юрак илмий-текшириш институти мутахассисларининг билдиришича, ҳар йили дунёдан кўз юмаётганларнинг 50 фоизи юрак-қон томир касалликлари оқибатидир. Шундай экан, инсон саломатлигини сақлашда кардиохирургияга бўлган талабнинг кучайиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас. У кўплаб давлатларда, жумладан, мамлакатимизда ҳам энг керакли, долзарб соҳалардан бирига айланган.

— Шу ўринда тиббиётимизнинг муҳим бўғини — кардиохирургиянинг кечаги кунига бир назар ташлайлик: у қандай ҳолатда эди-ю, бугун нимага эришди?

— Ўтган асрнинг 90-йилларига келиб тиббиёт соҳасида юқори малакали кадрлар етишмовчилиги кўзга ташланди, аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш зарурати пайдо бўлди. Собиқ иттифоқ парчаланаётган пайт эмасми, бундай шароитда ҳатто оддий муаммоларни ҳам ҳал этишнинг ўзи бўлмасди. Чет эллардаги илғор кардиохирургия марказларига бориб, малака оширишга йўл йўқ эди. Мустақиллик йилларига келиб мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида янги имкониятлар пайдо бўлди. Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ҳаётнинг ўзи кўндаланг қўяётган долзарб масалалар ўз ечимини топа бошлади. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам даражаси ва кўлами кенгайди. Ихтисослаштирилган тиббий хизматлар юзага келди. Уларнинг орасида кардиохирургия соҳаси айниқса, тез тараққий этди. Дунёдаги илғор, замонавий технологияларни кенг қўллаш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш орқали ўзбек кардиохирургиясининг бугунги истиқболига эришдик. Энди юртдошларимизнинг аввалгидек мураккаб операциялар учун чет элга боришларига заурат йўқ. Марказимиз қошида ишлаётган кардиохирургия мажмуаси бу вазифани тўла уддалай олади.

— Мазкур мажмуа даврининг чинакам мўъжизаси бўлди. Ундаги шароит ва имкониятлар чет элникидан деярли қолишмайди.

— Тўғри айтасиз. Асли тиббиётнинг ватани бўлган, дунёга Абу Али ибн Синодек буюк сиймони етиштириб берган Ўзбекистон бугун тиббиёт соҳасида анча илгарилаб кетди. Буни биз иш жараёнида ҳар куни, ҳар нафасда ҳис этамиз. Кардиохирургия мажмуаси тўрт қаватли замонавий бинода жойлашган. Унинг биринчи қаватида кунига 200 нафар беморни кўрикдан ўтказишга мўлжалланган бўлим, конференция зали ва бошқа хизмат хоналари бор. 2-қаватда 3 ёшгача бўлган болаларнинг туғма юрак нуқсонларини хирургик даволаш бўлими, интервенцион кардиология ва юрак ритми бузилиши бўлими, ангиографик жарроҳлик хоналари жойлашган. 3-қаватдан коронар хирургия бўлими, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси бўлимлари ҳамда клиник-диагностика, лаборатория хоналари ўрин олган. 4-қаватда эса тўртта кардиожарроҳлик хонаси, реанимация бўлими мавжуд. Жарроҳлик амалиёти хоналари операция жараёнида фойдаланиладиган энг сўнгги русумдаги тиббий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Улар бизга барча турдаги юрак жарроҳлик амалиётларини бажариш имконини бермоқда. Бундан ташқари, ихтисослаштирилган хирургия марказининг ўзида поликлиника ва амбулатор шароитида ҳар йили 35 минг нафар беморга маслаҳат — ташхис ва даволаш хизмати кўрсатиб келинмоқда.

— Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, деб бежиз айтилмаган. Болалар соғлиғини сақлашда жамоанинг роли қандай бўлмоқда?

— Ҳозирги кунда бу ерда оғир турдаги юрак хасталигига чалинган уч ёшгача бўлган болалар сунъий қон айланиш шароитида операция қилинмоқда. Ваҳоланки, илгари болаларга кардиожарроҳлик соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари улар уч ёшга тўлганидан кейин бошланар эди. Шу билан бирга чақалоқларга ҳам мазкур йўналишда тиббий хизмат кўрсатилиб, улардаги бу хасталиклар эрта босқичда бартараф этилмоқда. Ўтган 2013 йил давомида кардиохирургия мажмуасида 3 ёшгача бўлган 51 нафар беморнинг туғма юрак нуқсони жарроҳлик амалиёти орқали бартараф этилди. Ушбу амалиётларнинг 32 таси, яъни, 62,7 фоизи сунъий қон айлантириш шароитида бажарилган бўлса, 19 нафари (37,3 фоиз) "ёпиқ" усулда, юрак камералари очилмасдан операция қилинди. Сунъий қон айлантириш шароитида операция қилинган беморларнинг энг кичиги уч ойликни ташкил этди.

— Ўзбек кардиохирургиясининг ривожида чет эллик ҳамкорларнинг роли қандай бўлмоқда?

— Беморларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида Европа кардиожарроҳларининг мактаби ҳисобланган Италиянинг Бергамо шаҳридаги Ospedali Riuniti di Bergamo ва Милан шаҳридаги Niguarda клиникалари билан яқин ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Марказда икки мамлакат олимлари ва шифокорлари иштирокида кардиохирургиянинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий анжуманлар ўтказиб борилмоқда. Бунинг натижасида илғор тажрибалар ўзаро алмашиниб, илм-фан янгиликлари оммалаштирилмоқда. Ҳамкорлик доирасида мамлакатимиз олимлари юракни ва мияни қон билан таъминловчи артерияларини стентлаш амалиётини қўллаш, болаларда учрайдиган мураккаб туғма юрак нуқсонларини бартараф этиш каби йўналишлар бўйича янги даволаш услубларини фаолиятларига татбиқ этиб, дунёдаги етакчи кардиологларнинг эътиборига тушмоқдалар.

— Баъзи бир мураккаб операцияларнинг хориждаги таниқли клиникалардагина амалга ошириб келингани кўпчиликка сир эмас. Ҳозир бундай операцияларга ўзимизда ҳам дадил қўл урилаётган экан...

— Ҳа, албатта. Бу биринчи навбатда инсон ҳаёти учун муҳим органларни қайта тиклаш жарроҳлигида олиб бориляпти. Шу соҳага тааллуқли ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ қон томир тизимлари касалликлари бўйича изчил тадқиқотлар ўтказилмоқда. Операциялар юрак камералари очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз кардиохирургиясида эришилган бу ютуқ халқимизнинг бебаҳо бойлигига айланди. Жаҳон жамоатчилиги эътиборига тушган, дунёда шуҳрат қозонган Бентал де Боно, Аорта коронар шунтлаш, Тетрада фаллоди радикал коррекциялари операцияларини кўпчилик мутахассислар яхши билишади. Бир пайтлар ўзимиз ҳам шундай амалиётларда иштирок этишни орзу қилар эдик. Шукрки, ниятларимизга етдик. Чет элнинг ном тараган бу машҳур жарроҳлик амалиёти ўзбек кардиохирургиясига ҳам кириб келди. Янгиликка ўч, изланувчан мутахассисларимиз чет эллик касбдошларидан қолишмай уни муваффақиятли амалга оширишмоқда. Бундан ташқари, юқори технологияга асосланган гибрид операциялари устида ҳам иш олиб борилмоқда. Туғма юрак нуқсонлари бўйича қилинган операциялар эвазига ўтган 2013 йилда 450 нафар бемор тўлақонли ҳаётга қайтарилди. Бу шубҳасиз, жамоамизнинг юқори салоҳиятидан далолатдир. Келажакда бундай мураккаб операцияларни кўпайтириб, республикамиз худудида кенг татбиқ этишни мўлжаллаяпмиз.

— Маълумки, ҳамма ерда кадрлар ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Уларни тайёрлаш, тарбиялаш масалалари марказда қандай йўлга қўйилган?

— Юрак жарроҳлиги йўналиши ва у билан ёндош кардиоанестезиология, кардиореанимация билан шуғулланувчи юқори ва ўрта тиббиёт ходимлари жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ тайёрланган. Уларнинг ҳар бири ўз ишини яхши билади. Жумладан, марказда етишиб чиққан олимлар орасида ўзларининг самарали тадқиқотлари билан эл назарига тушган, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреатлари бўлган — янги технологиялар бўйича марказ директори ўринбосари, рентген-эндоваскуляр хирургияси ва юрак уриши ритми бузилиши бўлими раҳбари Миржалол Зуфаров, қон томир хирургияси бўлими бошлиғи Фазлиддин Баҳриддинов, орттирилган юрак нуқсонлари бўлими раҳбари Хамидулла Абдумажидов каби фан докторлари ва профессорлар, анестезиология бўлими раҳбари Людмила Назирова каби фан номзоди бор. Улар билан бирга етишиб чиққан Аброл Мансуров, Равшан Ибадов каби тажрибали бўлим бошлиқлари фан доктори бўлиб халқимизга муносиб хизмат қилишмоқда. Кардиохирургларнинг янги авлоди бўлган Шерзод Алиев, Феруз Тўраев, Улуғбек Аҳмедовлар хозир фан доктори, Алишер Ҳайдаров эса фан номзоди бўлиб етишган. Марказимиз директори, устозимиз, профессор Феруз Назиров ўзининг бой тажрибаси ва амалий маслаҳатлари билан бизга яқиндан ёрдам бермоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

— Ўзингиз ҳам яхши мутахассислардан бирисиз. Ёш бўлишингизга қарамай эл назарига тушган, дунё кўрган кардиохирург олимларнинг бирисиз. Айтинг-чи, шифокор учун нима муҳим: шон-шуҳратми, бойликми ёки малака?

— Баъзан ишхонада, баъзида кўча-кўйда одамлар "Бир пайтлар мени даволагансиз", деб қолишади. Улар билан гаплашиб ҳолаҳволини сўрайман. Қўлимда қанчадан-қанча беморлар шифо топган, уларнинг ҳаммасини бирма-бир эслаб қолишим қийин. Аммо бир нарса — шу касбим орқали эл корига яраётганим аён. Ўз касбимга бўлган садоқатим, меҳру муҳаббатим юзимни ёруғ, кўнглимни чароғон қилаётганидан бахтиёрман. Бойлик, шон-шуҳрат — буларнинг бари ўткинчи нарса. Унга берилган, ружу қўйган шифокор бир куни ўзини шарманда қилади, номига доғ туширади. Биз халқимиз соғлиғи — бебаҳо бойлик эканлигини асло унутмаслигимиз керак.

— Ўзбекистон "Адолат" СДП электоратининг катта қисмини тиббиёт ходимлари, шифокорлар ташкил этади. Шу соҳанинг вакилисиз, замонга ҳамнафас фаол фуқаро сифатида партиямизнинг ғоялари, дастурий вазифалари Сизни ҳам қизиқтирган бўлиши табиий?

— Мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнига эга бўлган "Адолат" партияси соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни астойдил қўллаб-қувватламоқда. Қатор соҳалар каби тиббий қонунчиликни ривожлантиришга ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Партия аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори эканлиги менга ёқади. Шу ўринда бир масалага эътиборни қаратмоқчиман. Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Демак, партиянинг шифокорлар билан биргаликда касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларга эътиборни кучайтириши ишимизни енгиллаштиришга, турли ижтимоий хавфи юқори бўлган касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу юртимизда соғлом авлодни вояга етказишга оид сиёсатни муваффақиятли давом эттириш имконини беради.

— Юртдошларимизга тилакларингиз?

— Элимиз ҳамиша омон бўлсин. Соғлом турмуш тарзи ҳаётимизни безасин. Бугунги дориломон кунларимизга асло кўз тегмасин. Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

Юртдошларимизга чин қалбдан айтадиган яна бир ниятим бор. Уни қуйидаги шеърий мисралар орқали ифодаламоқчиман:

Соат милларидек доимо,
Юрагингиз урсин бехато...

Суҳбатдош:
Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири

ASAKA BANK

2014 yil 22 yanvarda

Moody's Investors Service
xalqaro reyting agentligi

«Asaka» davlat-aktsiyadorlik tijorat bankining

reytingini tasdiqladi

Barcha reytinglar istiqboli
«BARQAROR»

Reklama

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «TEXNOLOG-STAN» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй манзилидаги д/р 01 996NCA бўлган 1985 йилда и.ч., 1 812 811 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ24 русумли, д/р 01 993NCA бўлган 1990 йилда и.ч., 1 216 280 сўм бошланғич нархдаги УАЗ 31512 русумли, д/р 01 997NCA бўлган 1992 йилда и.ч., 7 874 050 сўм бошланғич нархдаги ЛАЗ 695 русумли, д/р 01 021QCA бўлган 1989 йилда и.ч., 2 038 671 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 5227 русумли, д/р 01 3905AA бўлган 1985 йилда и.ч., 2 236 235 сўм бошланғич нархдаги ОДАЗ 9370 русумли, д/р 01 992 NCA бўлган 1989 йилда и.ч., 3 585 063 сўм бошланғич нархдаги Нисса русумли, д/р 01 629LCA бўлган 1985 йилда и.ч., 4 466 073 сўм бошланғич нархдаги АТМЗ 20 русумли, д/р 01 630LCA бўлган 1996 йилда и.ч., 5 405 777 сўм бошланғич нархдаги Дамас STD русумли, д/р 01 622LCA бўлган 1990 йилда и.ч., 5 740 464 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5320 русумли, д/р 01 621LCA бўлган 1990 йилда и.ч., 5 740 464 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5320 русумли, д/р 01 632LCA бўлган 1991 йилда и.ч., 2 038 671 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ САЗ 350702 русумли, д/р 01 618LCA бўлган 1990 йилда и.ч., 5 482 737 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5320 русумли, д/р 01 625LCA бўлган 1987 йилда и.ч., 2 038 671 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 5204 русумли, д/р 01 628LCA бўлган 1990 йилда и.ч., 11 878 702 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5410 русумли, д/р 01 624LCA бўлган 1990 йилда и.ч., 5 740 464 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 53212 русумли, д/р 01 619LCA бўлган 1996 йилда и.ч., 2 226 248 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 31029 русумли, д/р 01 612LCA бўлган 1995 йилда и.ч., 2 226 248 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 31029 русумли, д/р 01 623LCA бўлган 1980 йилда и.ч., 7 925 775 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5511 русумли, д/р 01 620LCA бўлган 1980 йилда и.ч., 5 519 804 сўм бошланғич нархдаги ЗИЛ 130 русумли, д/р 01 627LCA бўлган 1986 йилда и.ч., 1 812 811 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 2410 русумли, д/р 01 995NCA бўлган 1983 йилда и.ч., 5 989 351 сўм бошланғич нархдаги КамАЗ 5410 русумли, д/р 01 3674AA бўлган 1979 йилда и.ч., 2 948 313 сўм бошланғич нархдаги ОДАЗ 9370 русумли автомототранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, 2014 йил 4 март куни соат 11-00 да, ушбу савдода сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йилнинг охиригача ҳар сешанба кунлари соат 11-00 да бўлади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)лар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир иш куни олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55.

Гувоҳнома 2011 йил 1 ноябрдаги № 005424

ADOLAT
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Таҳририят манзили: *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*

info@adolatgzt.uz adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

ISSN 2091-5217

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МЎМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149);

Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *288-46-64* (146);

Қабулхона — *288-42-23*; *288-46-64* (141) факс;

Котибият — *288-46-64* (144).

Навбатчи муҳаррир — Қ.Қўлдошев. **Навбатчи** — Ғулом Ҳидиров.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 100. Ҳажми — 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 10863
Босишга топшириш вақти — 21.05 Босишга топширилди — 23.00
1 2 4 5